

№ 04-сонли пудрат шартномаси

«19»июл 2022йил

Зафаробод туман

Зафаробод туман Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи **Ф.Казакбоева “MANSUR STORYHOUSES” МЧЖ** (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари **Б.Касимов** мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Лот рақами	Номланиши	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	№119176 15.07.2022йил	Зафаробод туманидаги Ёрқин ШФЙ жойлашган Заргар кўчасини жорий таъмирлаш	обект	1	128 000 000	128 000 000
		Жами				128 000 000

1.3. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 3 кун ичида амалга оширади, қолган 70%ни бажарилган ишлар туғрисидаги далолатнома имзолангандан сунг 5 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, хисоб-фактура в.б. асосида тулайди.

1.4. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 %и миқдорида бунақ туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.22 Мазкур шартнома Газначилик органларида руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 128 000 000 (Бир юз йигирма саккиз миллион) сўмни ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах вилоят хўжалик судида кўриб чиқишга топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Гозначилик органларида руйхатдан утгандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини суствашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;
-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи кўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тухтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ғазначилик органларида руйхатдан утгандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3 Шартномага илова

10. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

«MANSUR STORYHOUSES» МЧЖ

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил: Жиззах вилояти Зомин тумани Бунёдкор МФЙ

А.Темур кўчаси -7

Тел./факс _____ - _____

(х/в ёки ш/х) 20208000505143793001

Банк номи: Агробанк Зомин тумани филиали

ИНН: 306 867 894

МФО: 00131

ОКОНХ:

«Буюртмачи»

Зафаробод туман Ободонлаштириш
бошқармаси

(буюртмачининг номи)

Манзил: Зафаробод туман Мустақиллик

кўчаси 1-уй

Тел./факс _____

ш/х 100022860082257045205110001

Ташкилотнинг СТИР 206944825

ОКОНХ: 82112

Ғазначилик бўлини масиноми: Зафаробод тумани

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ғазначилиги:

ЯҒХ 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент

шаҳар бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса

маркази (ХККМ)

МФО: 00014

Ғазначилик бўлини масиноми СТИРИ: 201122919


Раҳбар


(имзо) (Ф.И.Ш)

Ў.Ў.Шералиев

Буюртмачи

раҳбари:


(имзо) (Ф.И.Ш)

Ф.Казакбоев



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN

HUJJATLARIGA MUOFIQLIGI TUG'RISIDA HUQUQIY

HULOSA

GG58128768

Loyixaning turi:Shartnoma

Loyixaning nomi:Podrat shartnomasi.

Loyixaning ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana: Zafarobod tumani Obodonlashtirish boshqarmasi 19.07.2022 y

Loyixa buyicha taklif va etirozlar:

Buyruqning mazmuni: Zafarobod tuman Obodonlashtirish boshqarmasi Jizzax viloyati Zomin tumanidan ro'yxatdan o'tgan "MANSUR STROYHOUSED" MCHJ bilan Zafarobod tumani Yorqin SHFY xududidagi Zargar ko'chasini joriy tamirlash uchun №4-sonli shartnoma loyixasi umumiy baxosi 128000000 (Bir yuzi yigirma sakkiz million) so'mni tashkil etishi to'g'risida.

Shartnoma loyixasida qonunchilikga zid bandlar aniqlanmadi uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz yuriskonsulti:



Abdusodiqov B.U
19.07.2022 y

ТАСДИКЛАЙМАН»
Зафаробод тумани ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи Ф.Казакбоев



Зафаробод туман Ободонлаштириш бошқармаси учун бюджет маблағлари хисобидан товар(ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 5

2022 йил 18 июль

Зафаробод ш

Зафаробод туман Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил «22» февральдаги № 01-сонли бўйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда

Қатнашдилар:

Ф.Казакбоев – Бошқарма бошлиғи танлов комиссиясининг раиси

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Т.Назарқосимов	Ёрдамчи ҳисобчи (комиссия котиби)
Б.Кубаев	Бош муҳандис (аъзо)
Н.Қаршибоев	Нур бўлими мутахасиси (аъзо)
Д.Шералиев	Техник назоратчи (аъзо)
А.Зейилбеков	Техника ҳафсизлиги муҳандиси (аъзо)

Қун тартиби:

1. Зафаробод туман ҳокимлиги Зафарободо ободонлаштириш бошқармаси тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларини (шаҳар автомобиль йўлларини, шаҳар ички хўжалик йўллари, туман марказлари автомобиль йўллари, туман хўжаликлараро (қишлоқ) автомобиль йўллари, туман/шаҳар посёлкалари автомобиль йўллари)га қарашли Зафаробод туманидаги Ёрқин ШФЙда жойлашган **Заргар** кўчасини жорий таъмирлаш бўйича махсус ахборат парталига жойлаштирилган иш хизматлар тўғрисидаги 2022 йил 15 июль № **119176** -сонли лот рақами билан берилган эълонга талабгорлар томонидан тикдим этилган таклифларни кўриб чиқиш ва танлов ғолибини аниқлаш.
2. Комиссия аъзолари Зафаробод туман ҳокимлиги Зафарободо ободонлаштириш бошқармаси тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларини (шаҳар автомобиль йўлларини, шаҳар ички хўжалик йўллари, туман марказлари автомобиль йўллари, туман хўжаликлараро (қишлоқ) автомобиль йўллари, туман/шаҳар посёлкалари автомобиль йўллари)га қарашли Зафаробод туманидаги Ёрқин ШФЙда жойлашган **Заргар** кўчасини жорий таъмирлаш учун талабгор томонидан тақдим этилган таклифларни урганиб чиқиб **“MANSUR STORY HOUSES”МСНЖ** нинг таклифи харидор (буюртмачи)нинг барча талабларига жавоб беришини аниқлади.

Комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва ўрганиб чиққан ҳолда баҳолаш комиссияси






Қарор қилади:

1. Зафаробод туман ҳокимлиги Зафарободо ободонлаштириш бошқармаси тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларини (шаҳар автомобиль йўлларини, шаҳар ички хўжалик йўллари, туман марказлари автомобиль йўллари, туман хўжаликлараро (қишлоқ) автомобиль йўллари, туман/шаҳар посёлкалари автомобиль йўллари)га қарашли Зафаробод туманидаги

Ёркин ШФЙда жойлашган **Заргар** кўчасини жорий таъмирлаш учун (келишилган нархларда 128 000 000 сўм, товар (ишлар, хизматлар)ни истагини билдирган тўлаш бўйича товар(ишлар, хизматлар)ларни етказиб бериш (бажариш) бўйича тақдим этилган таклифи энг маъкул ва мақсадга мувофиқ деб топилсин ва бу талабгор танлов ғолиби деб топилсин.

2.Танлов ғолибининг таклифига кўра етказиб бериладиган (бажариладиган) товар (ишлар, хизматлар)ларга (икки кун давомида танлов иштирокчилари пудратчи ташкилотлар томонидан ҳеч қандай эътироз ва таклифлар) бўлмаганлиги сабали электрон танлов ғолиби **“MANSUR STORY HOUSES”MCHJ** билан шартнома тузиш мақсадга мувофиқ деп топилсин.

Баҳолаш комиссиясининг танлов ғолибини танлаш баённомаси барча иштирокчиларга ўқиб эшиттирилди ва унинг тузилиши тўғри деб топилди.

<u>Б.Кудоев</u>		(Имзо)
<u>Д.Шералиев</u>		(Имзо)
<u>Ҳ.Ҳариев</u>		(Имзо)
<u>А.Зейибеков</u>		(Имзо)
<u>Т.Назаров</u>		(Имзо)

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 119176 на приобретение Зафаробод туман хокимлиги тасарруфида булган ички хужалик йулларига карашли Ёркин ШФЙда жойлашган Заргар кучасини жорий таъмирлаш.

Способ проведения электронный

Дата 15.07.2022

Время рассмотрения 15.07.2022 12:03

Конкурсная комиссия Зафарободтуман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	KAZAKBOYEV FAXRIDIN ROZIKULOVICH	Ободонлаштириш бошқамаси бошлиғи комиссия раиси	Зафаробод туман Ободонлаштири бошқамаси
Секретарь комиссии	NAZARQOSIMOV TOLIB XAYRULLAYEVICH	Ёрдамчи хисобчи (КОМИССИЯ КОТИБИ)	Зафаробод туман Ободонлаштири бошқамаси
Член комиссии	KUBAYEV BAXTIYOR BALKIBAYEVICH	Бош мухандис (аъзо)	Зафаробод туман Ободонлаштири бошқамаси
Член комиссии	SHERALIYEV DILSHOD MAMARAJABOVICH	Техник назоратчи (аъзо)	Зафаробод туман Ободонлаштири бошқамаси
Член комиссии	ZEYLBKOV AYAZBEK AYAZBEK	Техника хавфсизлиги мухандиси (аъзо)	Зафаробод туман Ободонлаштири бошқамаси
Член комиссии	QARSHIBOYEV NAZIR SHAROBIDINOVICH	Нур булими электрик (аъзо)	Зафаробод туман Ободонлаштири бошқамаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.07.2022 года № лота 119176.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Зафаробод туман хокимлиги тасарруфида булган ички хужалик йулларига карашли Ёркин ШФЙда жойлашган Заргар кучасини жорий таъмирлаш.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	128 247 180.00
Стартовая сумма	128 247 180.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги ва Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари ва картотека мавжуд эмаслиги хақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги ва ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари ва картотека мавжуд эмаслиги хақида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUSLUMBEK STROY GROUP MCHJ	20	маълумот илова килинади.	20	Экспертная		
MANSUR STROY HOUSES MCHJ	20	Молиявий малумотлар тулик такдим килинди	20	Экспертная		
OUS-MAXBUILDING MCHJ	20	Солик қарздорлиги мавжуд эмас банкротлик ҳолатида эмас	12	Экспертная		

Критерий №2 Ташкилотнинг давлат идоралари руйхатидан ўтказилганлиги хақидаги гувоҳнома, ташкилотда фаолият юритувчи ходимлар (Ф.И.Ш.), лавозими ҳамда иш тажрибаси my.mehnat.uz дан ўтганлигини тасдиқловчи маълумоти штрих коди билан бирга бўлиши шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг давлат идоралари руйхатидан ўтказилганлиги хақидаги гувоҳнома, ташкилотда фаолият юритувчи ходимлар (Ф.И.Ш.), лавозими ҳамда иш тажрибаси my.mehnat.uz дан ўтганлигини тасдиқловчи маълумоти штрих коди билан бирга бўлиши шарт.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUSLUMBEK STROY GROUP MCHJ	20	маълумот илова килинади.	20	Экспертная		
MANSUR STROY HOUSES MCHJ	20	Ишчилар малумоти	20	Экспертная		
OUS-MAXBUILDING MCHJ	20	Малумот такдим килинди	14	Экспертная		

Критерий №3 Таъмирлаш ишларини олиб бориш муддати, объектни жойига чиқиб кўрганлиги ҳамда ишларни ўз вақтида топшириш тўғрисида розилиги (асословчи хужжатлари билан).

Тип: Текстовое значение

Описание: Таъмирлаш ишларини олиб бориш муддати, объектни жойига чиқиб кўрганлиги ҳамда ишларни ўз вақтида топшириш тўғрисида розилиги (асословчи хужжатлари билан).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUSLUMBEK STROY GROUP MCHJ	20	маълумот илова килинади.	16	Экспертная		
MANSUR STROY	20	Объект тулик	18	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
HOUSES MCHJ		урганиб чикилган				
OUS-MAXBUILDING MCHJ	20	Малумот такдим килинди	12	Экспертная		

Критерий №4 Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирокчининг ўхшаш объектларда бажарган ишлари буйича охириги 3 йиллик иш тажрибаси хакидаги маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирокчининг ўхшаш объектларда бажарган ишлари буйича охириги 3 йиллик иш тажрибаси хакидаги маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUSLUMBEK STROY GROUP MCHJ	20	маълумот илова килинади.	15	Экспертная		
MANSUR STROY HOUSES MCHJ	20	Бажарилган ишлар маълумотлари такдим килинди	18	Экспертная		
OUS-MAXBUILDING MCHJ	20	малумот такдим килинди	14	Экспертная		

Критерий №5 Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йул қўймаслик бўйича кафолат хатининг мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йул қўймаслик бўйича кафолат хатининг мавжудлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUSLUMBEK STROY GROUP MCHJ	20	маълумот илова килинади.	20	Экспертная		
MANSUR STROY HOUSES MCHJ	20	Коррупция холатларига йул куйилмайди	20	Экспертная		
OUS-MAXBUILDING MCHJ	20	Йул куйилмайди	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Коррупция холатларига йул куйилмаслигига кафолат хати такдим килинмаган

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MUSLUMBЕК STROY GROUP MCHJ	128 247 180.00	127 555 000.00 UZS	127 555 000.00	00.00	127 555 000.00	14.07.2022 18:58:47	05.00
MANSUR STROY HOUSES MCHJ	128 247 180.00	128 000 000.00 UZS	128 000 000.00	00.00	128 000 000.00	14.07.2022 22:57:40	04.98

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
OUS-MAXBUILDING MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
MUSLUMBЕК STROY GROUP MCHJ	86.45	5	91.45
MANSUR STROY HOUSES MCHJ	91.2	4.98	96.18

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 119176 от 15.07.2022 года на приобретение Зафаробод туман хокимлиги тасарруфида булган ички хужалик йулларига карашли Ёркин ШФЙда жойлашган Заргар кучасини жорий таъмирлаш. определила победителем:

MANSUR STROY HOUSES MCHJ
306867894

и резервный исполнитель: MUSLUMBЕК STROY GROUP MCHJ (306362487)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	KAZAKBOYEV FAXRIDDIN ROZIKULOVICH	Согласен	
Член комиссии	SHERALIYEV DILSHOD MAMARAJABOVICH	Согласен	
Член комиссии	ZEYLBЕКOV AYAZBEK AYAZBEK	Согласен	
Член комиссии	QARSHIBOYEV NAZIR SHAROBIDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	KUBAYEV BAXTIYOR BALKIBAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП